



Ислом Нури

Мухтарам ота-оналар, 8-дарсда ўтган хадиснинг давомида Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам бундай мархамат киладилар:

«Шубхасиз ёлгон-фужур гунохга йўллайди. Гунох эса дўзахга йўллайди. Инсон ёлгон гапириб юради, хатто у Аллох хузурида каззоб-кўп ёлгон гапирувчи деб ёзилади».

Шунинг учун азизлар, ўзингиз ҳам каззоблар каторида бўлмаслигингиз ва фарзандларингиз ҳам бу разил хислатдан пок бўлиб ўсиши, ҳамда ўзларингизни жаханнамдан асраб қолиш учун ёлгондан жуда-жуда хазар килинг.

1.

Савол: Болажоним, Аллох канака болаларни ёмон кўради?

Жавоб: Ёлгон гапирадиган ёлгончи болаларни ёмон кўради.

2. Савол: Ёлгончи болаларни ота-онаси ҳам ёмон кўрадимми?

Жавоб: Ха дадажон, чунки ёлгончилар жаннатга кирмайди.

3. Савол: Болажоним, кўчада ёлгончи болалар билан ўртоқ бўлса бўладими?

Жавоб: Йўк дадажон, улар ўртоқларини ҳам алдаб кетади.



Ислом Нури

4. Савол: Болажоним, Шайтон тўғри гапирадими ёки ёлгон гапирадими?

Жавоб: Дадажон Шайтончи, ёлгончи бўлади, у хеч тўғри гапирмайди.

5. Савол: Болажоним, демак ёлгончи болалар ёвуз Шайтонга дўст бўлиб қоладими?

Жавоб: Ха дадажон, ёлгончилар Шайтонни хурсанд қилади.

6. Савол: Болажоним, кимни ёвуз, мунофик деймиз?

Жавоб: Ёлгончиларни мунофик деймиз.

7. Савол: Мунофиклар жойи қаерда?

Жавоб: Мунофикларнинг жойи дўзахда.